

---

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИГА РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғига кўра, Қосимова Дилафруз Шавкатовна таълим сифатини назорат қилиш бўйича Фарғона вилояти бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

У мазкур лавозимга тайинлангунга қадар "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, Фарғона вилояти ҳокимининг маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келган.

Д.Қосимова 1973 йил 5 январда Фарғона шаҳрида туғилган. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги филолог, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Марғилон шаҳридаги мактабда иш бошлаб, Фарғона давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицей директори (2011-2017), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Фарғона вилояти бўлими раҳбари (2017-2018), вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси (2018-2020) бўлиб ишлаган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-06-16 08:50:59